

98

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 3 июль • №19 (1300)

## РЕСПУБЛИКА МАХСУС КОМИССИЯСИ АХБОРОТИ

**Жорий йил 1 июль санасидан бошлаб:**

\* республиканинг барча ҳудудларида йирик буюм бозорлари ҳамда буюм савдоси билан шуғулланадиган йирик савдо мажмуалари ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари санитария-дезинфекция ишларини амалга ошириш учун ёпилади;

\* "қизил" ва "сарик" ҳудудларда соат 07:00 дан 23:00 га қадар жамоат жойларида уч кишидан ортқи тўпланиш ҳамда 23:00 дан 07:00 га қадар кўчаларда, кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар олдида бўлиш **ТАҚИҚЛАНАДИ**;

**Бунда:**  
фақатгина фуқароларнинг саломатлиги ёмонлашганлиги, ҳомиладорлиги муносабати билан шифокор кўригидан ўтиш учун даволаш муассасасига ёхуд зарур дори-дармон харид қилиш мақсадида дорихонага бориб-келишига рухсат берилади;  
мазкур талабларни бузган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади;

\* "қизил" ва "сарик" ҳудудларда ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларида жамоат транспорти ҳаракати камайтирилади.

**Иккинчидан,** коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари камаймаган давлатлардан (қизил рейслар) Ўзбекистонга кириб келаётган фуқароларга ўз ҳошига кўра 14 кунлик карантин назорати даврини ҳақини тўлаган ҳолда меҳмонхонада ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тасдиқланди. **Хусусан:**

\* Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Санитария-эпидемиология осойишталик агентлиги томонидан шакллантирилган рўйхатга кирилган меҳмонхоналар уларга тегишли объектларни 24 соат узлуксиз кўриклаш бўйича Миллий гвардия билан шартнома тузди;

\* ушбу меҳмонхоналарда тиббиёт муассасалари томонидан шартнома асосида кундалик тиббий хизмат ташкил этилади;

\* фуқаролар республиканинг халқаро аэропортлари ва чегара ўтказиш пунктларидан меҳмонхоналарга яил патрул хизмати вакиллари кузатуви ос-

тида транспорт воситалари билан етказилади.

Бундан ташқари барча юқорида қайд этилган талабларга қатъий риоя этган ҳолда, карантин назорати даврини ўтказиш учун меҳмонхоналарда жойлаштириш шarti билан хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахсларни туроператорлар ва авиаташувчилар томонидан ҳам республикага етказиб келиш рейслари ташкил қилинишига рухсат берилди.

**Учинчидан,** Ўзбекистон Республикасига карантин даврида инвестиция лойиҳалари доирасида визасиз 30 кунгача келиши мумкин бўлган давлатлардан жалб қилинган мутахассислар учун:

\* истисно тариқасида Ўзбекистондан ҳудудидан чиқмасдан туриб ишбилармонлик кириш визаси (бизнес виза) олишига рухсат берилади.

**Тўртинчидан,** коронавирус инфекциясини юқтирган беморлар уч тоифага ажратилмоқда:

\* коронавирус инфекциясининг энгил шакллари аниқланган (касаллик аломатларисиз ўтаётган) беморлар;

\* коронавирус инфекцияси ўртача оғир кечаётган (тана ҳарорати кўтарилаётган) беморлар;

\* коронавирус инфекцияси оғир кечаётган беморлар.

**Шу муносабат билан жорий йил 5 июль санасидан бошлаб коронавирус инфекциясини юқтирган беморларни даволаш билан боғлиқ куйидагиларни назарда тутувчи ЯНГИЧА ТАРТИБ жорий этилмоқда:**

\* касаллик аломатларисиз кечаётган энгил шаклдаги беморлар шифокор тавсиялари асосида, санитария-гигиена қоидалари ҳамда парвариш учун зарур шароитлар мавжуд бўлганда, **УЙ ШАРОИТИДА** даволанишига рухсат этилади;

\* шифохоналарда ва уй шароитида даволанаётган касаллик аломатларисиз кечаётган энгил шаклдаги беморлар 10 кун муддатда клиник белгилари кузатилмаган тақдирда **НАЗОРАТДАН ЧИҚАРИШ** амалиёти жорий этилади;

\* коронавирус инфекцияси тасдиқланган бемор билан бирламчи **МУЛОҚОТДА БЎЛГАНЛАР** 14 кунлик карантин муддатини уй шароитида ёки тасдиқланган рўйхатга асосан меҳмонхоналарда барча

санитария-эпидемиология ва карантин чекловларига риоя этган ҳолда ўтказишга рухсат берилади;

\* бирламчи скрининг тест таҳлиллари мусбат натижа берган намуналари тасдиқлаш таҳлилларини ўтказиш ваколоти Бош санитар шифокор кўрсатмаларидан келиб чиқиб **ХУДУДИЙ** санитария-эпидемиологик-осойишталик марказларига берилади;

\* аҳолининг популяцион маълумотлар базасини яратиш мақсадида коронавируслар антитаначаларига ИФА текширишларига, давлат тиббиёт муассасалари билан бир қаторда, хусусий соғлиқни сақлаш секторидаги тиббиёт муассасалари ҳам жалб этилиши мумкин.

\* Юқоридагилардан келиб чиқиб, касаллик аломатларисиз кечаётган энгил шаклдаги беморларни уй шароитида даволаш ва парвариллаш **ТАРТИБИ** ишлаб чиқилади ҳамда қабул қилинади.

\* Шунингдек, ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ҳамда Маҳалла ва оила ни кўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан уй шароитида даволанаётган касаллик аломатларисиз кечаётган энгил шаклдаги беморлар ва карантинга олинган мулоқотдагиларни яшаш манзили бўйича **КАТЪИЙ НАЗОРАТ** олиб борилади.

\* Касаллик аломатларисиз кечаётган энгил шаклдаги беморларни уй шароитида даволаш ва парвариллаш тартибини бузган фуқароларга нисбатан эпидемиология қарши кураш талабларини бузганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган **ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ** қўлланилади.

**Бешинчидан,** куйидаги санитария-карантин чекловларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди:

\* жамоат жойлари ва тадбиркорлик фаолияти объектларида ижтимоий масофа (2 метрни) сақлаш, уч кишидан ортқи йиғилмаслик, фуқароларнинг тиббий ниқоб ва кўлқопдан ҳамда антисептик воситаларидан доимий равишда фойдаланиши;

\* йўналишларда ҳаракатланаётган автобуслар салонларида санитария-эпидемиология талабларига риоя этиш, шу жумладан, йўловчиларни ижтимоий масофани сақлаш ҳолда жойлаштириши;

\* супермаркет ва бошқа йирик дўконларга киришда фуқароларни бепул тиббий кўлқоп билан таъминлаш;

\* "сарик" ҳудудларда (соат 06:00 дан

– 22:00 га қадар) ва "қизил" ҳудудларда (07:00 дан – 10:00 гача, 17:00 дан – 20:00 гача)

\* **АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА** ҳаракатланишига рухсат берилган вақтдан бошқа вақтларда **ҲАРАКАТЛАНМАСЛИК**;

\* тўй, маърака ва маросимларни фуқароларнинг уй-жойи ва ҳовлисининг ўзида 30 кишидан кўп бўлмаган (фақат яқин қариндошлар ва ушбу туман ҳудудда истиқомат қилувчи бошқа қариндошлар) ҳамда санитария ва гигиена талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказиш.

Бунда, ушбу санитария ва карантин чекловларига риоя этмаслик, шу жумладан, автобус салонларида санитария-эпидемиология талабларини бузиш,

\* автотранспорт воситаларидан рухсат берилган вақтдан ташқарида фойдаланиш, жамоат жойлари ва тадбиркорлик фаолияти объектларида ижтимоий масофа (2 метрни) сақлашмаслик,

\* уч кишидан ортқи йиғилиш, тиббий ниқобдан фойдаланмаслик, оилавий тантана,

\* тўй, маърака ва маросимларни ўтказиш тартибини бузиш —

\* тегишли масъуллар ҳамда фуқароларга нисбатан эпидемиология қарши кураш талабларини бузганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда **МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК** тортилади.

\* Карантин чекловлари шароитида **РУХСАТ БЕРИЛМАГАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ** (хостеллар, туңг клублар, дискотека, спа ва массаж салонлар, караоке, бильярд заллари, чилим (кальян) ва компьютер уйинлари марказлари) билан шуғулланмаслик Миллий гвардия, Ички ишлар, солиқ органлари ва Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси томонидан мунтазам равишда профилактика тадбирларини ўтказган ҳолда назоратга олиш ва мазкур талабларни бузган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш белгиланди.

\* Тошкент шаҳрига автотранспорт воситаларининг кириб-чиқиш **ПОСТЛАРИДА** санитария-гигиена ва карантин талабларига риоя этиш, шу жумладан, автотранспорт воситаларини дезинфекциядан ўтказиш талабларига қатъий риоя этиш талаб этилади.

## ЎПКАНИ СУНЪИЙ ШАМОЛЛАТИШ АППАРАТИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

**30 июнь кун** Инновацион ривожланиш вазирлиги биносида Ўзбекистонда илк ишлаб чиқарилган ўпкани сунъий шамоллатиш (ЎСШ) апаратининг тақдими ва топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдураҳмонов, Словакиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Яна Бори, Россия Федерацияси элчисининг маслаҳатчиси Татьяна Листопадова, Республика 1-клиник шифохонаси бош врачси Азиз Ибрагимов, "Chirana Asia" корхонаси раҳбарининг ўринбосари Игор Вахрушев иштирок этди. Шунингдек, тадбир доира-

сида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига 1000 дона нафас олиш контурлари, 500 дона намлик коллектори билан нафас олиш контурлари ва 1000 дона бир мартали бактериял-вирусули филтърлар беғараз фойдаланиш учун топширилди.

Ўпкани сунъий шамоллатиш ва нарқоз-нафас олиш аппаратларини ишлаб чиқариш бўйича технологиялар трансфери амалга

оширилган бўлиб, жорий йил май ойида "Chirana Asia" Словакия-Россия-Ўзбекистон қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 6 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, 100 дан ортқи ўйинлари яратилди. Лойиҳа тўлиқ ишга тушиши натижасида ички эҳтиёжлар қондирилганидан сўнг ЎСШ апаратини бир қатор қўшни давлатларга – Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Афғонистонга экспорт қилиш имконияти яратилади. Усуналар бўйича сервис маркази ташкил этилади ва анестезиология соҳасидаги



илғор хорижий мутахассислар иштирокида кадрлар малакасини ошириш ўқув-семинарлари ўтказилади.

Бундан ташқари, ҳамда нарқоз-нафас олиш аппарати беғараз тарзда тақдим этилади.


ЎзА.



## Муносабат

КАРАНТИН КУЧАЙТИРИЛИШИ, БЕМОРЛАРНИ УЙДА  
ДАВОЛАШ ВА ОММОВИЙ ИММУНИТЕТ ТЕСТИ

– Ўзбекистонда коронавирусга чалинган беморларнинг 70-80 фоизни касалликни симптомсиз ўтказмоқда, – деб маълум қилди профессор Ҳабибулла Оқиллов Kip.uz мухбири билан суҳбатда.



1 июлдан бошлаб Ўзбекистонда карантин режими кучайтирилмоқда. 5 июлдан бошлаб эса COVID-19 га чалинган маълум тоифа беморларга уйда даволашига рухсат берилди.

Kip.uz мухбири ушбу янгиликлар юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси, профессор Ҳабибулла

Оқиллов билан суҳбатда бўлди.

– Уйда даволаниш: қай тартибда, кимларга мумкин, кимларга мумкин эмас?

– Ривожланган давлатларда касаллик симптомсиз ёки енгил шаклда ўтаётган беморлар уйда даволаняпти. Ҳозир бизда ҳам бунинг учун барча шароитлар бор. Шунинг учун агар бемор таҳлилда коронавирус аниқланган бўлса, лекин унинг симптомлари йўқ ёки енгил ўтаётган бўлса, масалан аксирмаётган, йўталмаётган, нафаси қисилмаётган, таъм ва ҳид сезилари йўқолмаган, тана ҳарорати кўтарилмаган бўлса, 5 июлдан бошлаб шу тоифадаги беморларга уйда даволанишига рухсат берилди. Бу, албатта, ички ишлар ва миллий гвардия томонидан уларнинг уйда қолиши таъминланган ҳолда ташкил этилади. Оилавий поликлиникасидан ҳар кун эрталаб телефон орқали мулоқотда бўлиб турилади. Тана ҳароратини кўтарилмади-

ми, йўталмадингми, деб хабар олиб турилади. Бемор талабларига риоя қилсагина уйда қолиши мумкин. Агар касаллигини била туриб, кўчага чиқса, унга нисбатан жавобгарлик белгиланган. Уйда даволанаётган бемордан 10 кундан кейин тест олинади ва агар манфий натижа олинса, уни ҳисобдан чиқариш мумкин бўлади. Уйда даволанаётган беморларга иммунитетни кўтаридиган дорилар берилди. Бу дорилар ҳамма жойда бор. Агар бемор телефон орқали мулоқотда: "Менда йўтал пайдо бўлди, кечқурун бироз ҳароратим кўтарилди", деса, у албатта, стационарга олиб кетилади.

Коронавирус аниқланган беморнинг ёши 65 дан ошган бўлса, ё ортиқча вази бўлса, ёхуд қандлик диабет, метаболлик синдром, гипертония каби ёндош касалликлари бўлса, улар симптомлар бор-йўқлигидан қатъи назар фақат стационар шароитида даволанади.

– Вирус юқтирилганнинг неча фоизда симптомлар кўзга ташланмапти?

– Республикаимиз миқёсида

ўрта ҳисобда 70-80 фоиз беморлар касалликни симптомсиз ўтказишапти.

– Яқин ҳафтalarda оммавий иммунитет даражасини аниқлаш учун тест ўтказиш бошланади.

– Ҳозирги кунда COVID-19 диагностикаси тасдиқлаш учун биз фақат полимераз занжир реакцияси (ПЗР) тестларидан фойдаланяпмиз. ПЗР – тест олинган вақтда организмда коронавирус бор-йўқлигини аниқ кўрсатадиган анализ. Шу билан бирга, чет эл тажрибаси, хусусан Германия, Россия тажрибасига асосланган ҳолда, Ўзбекистонда ҳам гуруҳ иммунитетини билиш учун иммунофермент анализи (ИФА)ни йўлга қўйиш назарда тутилган. ИФА ёки ундан ҳам янги ИХЛА анализлари касаллик ўтиб бўлгандан кейин организмда ҳосил бўлган анти-таначаларни аниқлаш имконини беради. Бу орқали коронавирус-

ни юқтириб, иммунитетни кучайтириш имконини беради. Бу орқали олиши йўлга қўйилади.

Тажрибали шифокор суҳбат давомида карантин режими кучайтирилиши, коронавирусга қарши курашаётган шифокорлар фаолияти, тиббиёт ходимларининг ҳимоя воситалари билан таъминланишига оид саволларга ҳам жавоб берди.

## Фикр

ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ ҚАЛБИ  
СИНМАЙДИМИ ЁКИ ДИЛИ ОГРИМАЙДИМИ?

Юртимизда миллионлаб ёш йигит-қизлар кўнглида бир олам орзу билан олий таълим муассасасига ўқишга киришни истайди. Бу йил қандай янгилик бўлар экан, қабул ўринлари кўпаймикан, деган саволларга жавоб топиш илминда интизор бўлади. Уларнинг ақсарияти ўқишга кира олмаса, келажги, тақдири қандай давом этишини билмай, чуқур хавотирга тушади.



Кечагина оммавий ахборот воситалари орқали олий ўқув юртиларига қабул ҳақида батафсил ахборот берилди. Ҳар тугул қабул ўринлари ўтган йилгига нисбатан ошгани кўпга ёшларни қувонтирди. Лекин, менимча, ўқишга киришда имтиёзлар берилиши тўғрисидаги янгиликлар чин дилдан ўқиб, тайёргарлик кўриб юрган ёшларимизни ўйлантириб қўйди, ҳатто қалбини огритди. Уларнинг ўйлари, огриқларини тушунишимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқаролар тенг ҳуқуққа эга эканликлари белгиланган. Демак, ота-онаси қаерда хизмат қилиши ёки фуқаронинг айрим ютуқларга эга бўлиши Конституцияда белгиланган меъёрдан устун қўйилиши мумкин эмас.

Нима учундир мактабни аъло баҳоларга битириб, олтин медал соҳиб бўлган абитуриентга ҳеч қандай имтиёз йўқ, лекин республика фан олимпиадалари

голибларига имтиёз белгиланган. Ёки бўлмасам, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибларига белгиланган имтиёз. Агар шу танловда олий таълимга имтихонсиз кириш имтиёзи бекор қилинса, танловда қатнашувчи қизлар таркиби қандай ўзгарар экан?..

Мудофаа ва ҳуқуқ-тартибот идоралари тизимидаги ходимлар фарзандлари учун белгиланган имтиёзни ҳам тушуниш қийин. Шундоғам бу тизимлардаги ходимлар катта имтиёзларга эга. Энди уларнинг ҳисобидан фарзандларига ҳам имтиёз берилиши қанчалик ижтимоий адолат тамойилига тўғри келади?.. Айтайлик, оддий деҳқон ёки боғбоннинг ўқиши дунёдаги ҳамма нарсадан кўпроқ истайдиган қора кўз фарзанди кимларгадир имтиёз берилгани учунгина "йўқилса", жамият, сиз билан биз унга адолатсизлик қилган бўлмаимизми? Бундай фарзандларнинг қалби синмайди-ми? Дили огримайди-ми?..

Менимча, ҳарбий хизматни намунали ўтаганлик учун таълим асосидаги имтиёзни ҳам фақат ҳарбий соҳадаги таълимни давом эттиришга татбиқ этиш лозим. Чунки ана шундай имтиёз эгалари ҳисобида ҳақиқий билим ва қобилиятга эга, энг муҳими, ўзи танлаган соҳа бўйича йиллаб тайёргарлик кўрган йигит-қизлар олий таълимда ўқиш бахтидан бена-сиз бўлиб қолмоқдалар.

Фикримча, қаерда ўринсиз имтиёз яратилса, уша жойда коррупция, деган балога кенг эшик очилади. Шунинг учун ҳам узок ҳаёт йўлининг бошида турган фарзандларимизни коррупция оғуси билан суғор-майлик, бошқаларини эса адолатсизлик билан ҳаётдан но-рози қилмайлик.

**Мақсуда ВОРИСОДА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

## СЕНАТОР ФУҚАРОНИНГ ДАВОЛАНИШИГА КЎМАКЛАШДИ

Олий Мажлис Сенатида фуқаролар мурожаати билан ишлаш тизимининг аниқ механизми йўлга қўйилган бўлиб, жорий йил бошидан шу кунга қадар парламент юқори палатасига 5 минг 784 та мурожаат келиб тушган. Шундан 452 таси Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитасига йўлланган. Улар сенаторлар томонидан назоратга олинди, ижобий ҳал қилиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Сенат аъзолари халқ билан бевосита мулоқот қилиш орқали ҳудудлардаги реал ҳолатни ўрганиб, муаммо ва камчиликларни ҳал этишмоқда.

Яна бир жиҳат, карантин даврида фуқаролар Олий Мажлис Сенатининг виртуал қабул-хонаси ҳамда Сенат Раисининг "facebook.com"даги расмий саҳифаси орқали ҳам мурожаатлар йўлланмоқда.


Наманганлик Мафтуна Олий Мажлис Сенати Раиси-

нинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали ўз саломатлигини тиклаш борасида амалий ёрдам сўраган. Қайд этишича, 18 ёшли Мафтуна бахтсиз ҳодиса туфайли огир тан жароҳати олган.

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Носирбек Абдуллоҳонов ушбу фуқаро билан учрашиб, унинг мурожаатини ўрганди. Сенатор Мафтунанинг даволанишига амалий ёрдам берди. Жумладан,

Ўзбекистондаги хусусий клиникалардан бирида фаолият юритаётган чет эллик тажрибали шифокор кўригидан ўтишини ташкиллаштирди.

– Аввало, давлатимиз томонидан сўнгги йилларда тиббиётга, айниқса, хусусий секторга берилётган эътибор ва имтиёзлар бугун ўзининг ижобий самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз, – дейди сенатор Н. Абдуллоҳонов. – Гувоҳи бўлиб турганимиздек, хусусий тиббиёт клиникаларига ҳам чет элдан малакали шифокорлар жалб қилиниб, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Бу эса фуқароларимизнинг чет элга маблағ сарф қилиб бориши, вақтини йўқотиши, овозгарчилигининг олдини олмақда. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими ҳақида гапирган-



да, ҳар бир фуқаронинг мурожаатига масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Боливиялик тажрибали шифо-

кор Владимир Тапия Фернандес Мафтунани кўриқдан ўтказиб, уни даволаш истагини билдирди.

Ў.А.



## Бугуннинг мавзуси

## ВИРУСНИ ЖИЛОВЛАШ МУМКИН

**Коронавирус чекина бошлагани айтилаётган бўлса-да, бу мавзудаги саволлар ҳамон долзарблигича қолмоқда, одамлар ҳалигача асосан коронавирга ҳақида гаплашмоқда. Коронавирга ҳақида дунё, ундан кейинги ҳаёт, касаллик вакцинаси – шу ва бошқа қизиқарли мавзулар ҳақида Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлар доктори профессор Жасур Ризаев билан суҳбат уюштирдик.**

**“Нафақат ходим, оддий одам сифатида Самарқандда яшаш қандай”**

Суҳбатдошимиздан аввало Самарқандга келгани, бу ўзига хос ротацяни қандай қабул қилгани ҳақида сўрадик. У нафақат давлат ходими, балки оддий инсон сифатида Самарқандда яшашнинг ўзи ёқимли экани ҳақида қайд этиб ўтди:

“Биласизми, Самарқандга нафақат давлатнинг ходими сифатида, балки оддий одам сифатида яшашнинг ўзи яхши. Фаолиятимда турли ротацялар бўлган, туман тиббиёт бирлашмаларида ҳам ишлаганман, ammo бунақа тажрибалик марта бўлиши. Самарқанд давлат тиббиёт институти нафақат мамлакатда, балки минтақада ўз номига эга олийгоҳ. Бу ердан кўпала академиклар, профессорлар чиққан. II жаҳон уруши вақтида Ленинград ҳарбий тиббиёт академияси вақтинча Самарқанд тиббиёт академиясига кўчирилган. Қисқа муддат бўлса-да, собиқ иттифокдаги етакчи тиббиёт олийгоҳининг Самарқандда фаолият юритиши кейинчалик худудда тиббиёт ривожига ҳисса қўшган”.

**Профессор билан суҳбатимизнинг асосий қисмини коронавирга ҳақидаги саволлар ташкил этди. Жасур Ризаев коронавирга бутун дунёни шошириб қўйганини таъкидлади:**

“Коронавирга билан боғлиқ вазият нафақат бутун дунёдаги тиббиёт ходимларини, балки барча инсонларни шошириб қўйди. Пандемия жуда катта лойиҳаларни тўхтатиб қўйди. Иқтисодийётга, одамларнинг яшаш тарзига таъсир қилди.

**Бир нарсани унутмаслик керак, коронавирга янги вирус эмас. Унинг устида кўпала ўрганишлар қилинган. Вирус бугунги кунда мураккаб модификацияга учраб, пандемия шароитини келтириб чиқарди. Бунга эса давлатлар тайёр эмасди. Бизда коронавирга қарши кураш тўғриси йўлга қўйилгани учун бугун касаллик кўрсаткичи юқори эмас. Масалан, МДХда фоиз кўрсаткичи бўйича энг яхши кўрсаткичлардан бири бизда”.**

“Вирус билан “дўстона яшашга” ўрганишимиз керак”

Суҳбатдошимизнинг айтишича, вирус бутунлай йўқолиб кетиши қийин масала. Шундай бўлса-да, уни инсоният учун кам хавф тўғрисида вирусга айланиб қолишига эришиш мумкин:

**“Менга кўпчилик “Вирус йўқолиб кетадими?”, деб савол беради. Шунини тушунишимиз керакки, вирус йўқолиб кетмаган тақдирда ҳам инсоният у билан “дўстона яшашга” ўрганиши керак. Бунинг имкони бор. Масалан, биз карантинни тўғри йўлга қўйдик, даволаш борасида тўғри ишладик, касалликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрдик ва натижада карантиндан кам йўқотиш билан чиқишимизга умид қилишимиз мумкин. Шу ўринда айтишим керак, эпидемиология вазият вақтида Самарқанд тиббиёт институти ходимлари ҳам қараб тургани йўқ, Самарқанд, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарёдаги мингга яқин тиббиёт ходимларини коронавирга қарши кураш доирасида қайта тайёрлашга ёрдам бердик. Биз уларни аввало ўзини ҳимоялашга ўргатишга эътибор қаратдик. Чунки тиббиёт ходимлари вирусга қарши курашда аввало ўзини ҳимоялаши керак. Вирусга бўлган нотўғри муносабат тиббиёт ходимларига зарар етказиши мумкин. Институтимизнинг 20 нафар ходимларидан иборат махсус гуруҳни жойларга чиқариб, тиббиёт ходимлари учун семинарлар ўтказдик. Бундан ташқари, Самарқанддаги коронавирга юқтирган беморлар даволанаётган учта касалхонада институтимиз ходимлари кўнгилли сифатида ишламоқда. Табиийки, жараён ҳақида маълумотга эга бўлиб туриш учун онлайн тарзда даволаш жараёнидан хабардор бўлиб турдик. Шу ўринда соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳам ишлар тўғриси йўлга қўйилганини айтишимиз керак. Мисол тариқасида шунини келтиришимиз мумкинки, беморлар бунга ерда бир хил даволанмоқда. Масалан, вирусология институтида ҳам, чекка худудларда ҳам бир хил даражада шароитлар яратилган. Даволаш жараёнида берилган таъсиялар ишлаб чиқишда ҳам Самарқанд давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари фаол иштирок этиди. Беморларни даволаш**

учун энг муҳим тизимлардан бири бу бирламчи даволаш муассасалари ҳисобланган поликлиникалар. Чунки одам касал бўлса, биринчи бўлиб поликлиникага мурожаат қилади. Мана шу тизимга кўмаклашиш мақсадида институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан бепул онлайн-поликлиника ташкил этилди. Бугунча 5 мингга яқин онлайн мурожаатлар қабул қилинди. Одамлар коронавирга дастлабки аломатларга ўхшаш аломатларни сезганда мурожаат қилишди. Бундан ташқари, кўнгилли талабалар томонидан Call-марказда ташкил этилди. 24 соат ишлаган Call-марказ 3 мингдан ортиқ мурожаатларга жавоб берди”.

**“Масалан, Ўзбекистон қизамиқдан ҳоли худуд деган сертификат ҳам олган”**

**Тиббиёт фанлари доктори бўлган суҳбатдошимиз вирусларни жилолаш имкони борлигини қайд этиб ўтди:**

“Тиббиёт ўлат, вабо каби ўта хавфли инфекцияларни жилолаш олинган. Ёки бўлмаса, тез юқувчан касалликлар бор: қизилча, қизамиқ, ХХ аср тиббиётининг асосий ютуқларидан бири айнан инфекцияларнинг жилоланиши бўлди. Эндликда бу касалликларнинг хавфлилик даражаси юқори эмас. Масалан, Ўзбекистон қизамиқдан ҳоли худуд деган сертификат ҳам олган. Демак бу юқумли касалликларни жилолаш мумкин деган хулосани беради.

**Коронавирга ҳам жилолаш мумкин.** Ўзбекистон микробиология касаллик ривожланиб бормоқда, ammo жилолаш мумкин бўлган даражада. Вакцина эса коронавирга одамга юқуши ва салбий таъсирини минимум даражага чикатиши мумкин. Масалан, грип ҳам бир вақтлар одамнинг умрига эомин бўладиган касаллик эди, ammo ҳозир унинг таъсири минимал даражага чиктишган. Коронавирга ҳам қачондир минимал таъсир қилувчи касаллик сифатида худди грип каби биз билан қолади. Агар биз шахсий гигиенага риоя қилсак, иммунитетни яхшилласак, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдалансак, касаллик таъсирини ўзимиз ҳам камайтирган бўламиз. Яна тақрирлайман, касалликни бошқариш мумкин. Масалан, 34 миллион аҳолига эга Ўзбекистонда касалланганлар сони фоиз ҳисобида юқори эмас. Иш тўғриси ташкил қилинса, ҳар қандай касаллик таъсирини камайтириш мумкин”.

Карантин сабаб одамлар ўлдан чиқмапти ва табиийки касалхоналарга ҳам шошилинч ҳолатлардан бошқа вақтда бормаяпти. **Одамларнинг узок вақт касалхоналарга бормаслиги кейинчалик бирданига касалликлар кўпайиши ва касалхоналарга қийин**



**чилик тўғдириши мумкинми? Профессордан ушбу саволимизга қуйидагича жавоб олди:**

“Бутун дунёда тиббий хизмат бўйича биринчи катта босимни бирламчи даволаш муассасалари қабул қилади. Булар амбулатор поликлиникалар. Албатта, тез тиббий ёрдам ҳам бунинг ажралмас қисми. Шу ўринда бир мулоҳаза келади: одамларимизда касалхонага ётмасам, осма оқолмасам, тузалмайман, деган тушунча бор. Баъзи беморларни уқолсиз таблетка билан даволамоқчи бўлсангиз, сизга шубҳа билан ҳам қарашади, бу яхши шифокормикан ўзи, дегандек. Ҳар қандай касалликни даволаш асосан иммунитетга боғлиқ. Бериладиган дориюлар шунчаки туртки. Жарроҳлик касалликларидан ташқари, албатта, ўйлаيمانки, карантин туғач, табиийки касалхоналарга мурожаатлар кўпаяди. Бу режали равишда даволанишга эҳтиёжи бор одамлар ҳисобида. Ammo тезкор ёрдам бўйича ёки айнан қандайдир касалликлар бўйича мурожаатлар режали тарзда давом этади. Чунки юқорида айтганимдек, биринчи ва энг асосий тўлқинни қабул қиладиган поликлиникалар фаолияти давом этмоқда. Бундан ташқари, карантин вақтида одамларда ўй шароитида даволанса бўларкан-ку, стационарга бориш шарт эмаскан деган тушунча ҳам пайдо бўлди. Карантин кўпчилигида мана шундай фикр уйғотди. Барча нарсанинг яхши ва ёмон томонлари бор. Карантиннинг яхши жиҳатлари сифатида онлайн платформанинг ривожланганини айтиш мумкин. Бундан

Натижада ҳаво томчилари орқали ва бошқа йўллар билан юқувчи касалликлар миқдори камайди. Ҳозир барчамиз уйга киришимиз билан кўлни ювишга одатландик, уйдаги катта-ю кичиклар ҳам. Албатта, ҳаммамиз мазкур вирусга қарши биргаликда курашсак, унинг чекиншига шубҳа йўқ.

Ўтқир ЖАЛОЛХОНОВ суҳбатлашди.

**ВАЗИР АЛИШЕР ШАДМАНОВ  
КОРОНАВИРУСДАН ВАФОТ ЭТГАН  
ШИФОКОР ХОНАДОНИГА БОРАН**

**Жорий йилнинг 28 июнь коронавирга қалинган 52 ёшли шифокорнинг миокорд инфарктдан вафот этгани ҳақида маълум қилинган эди. Марҳумнинг қизи, врач Шаҳноза Ҳасанова Бу маълумотга эътироз билдириб, вазият билан боғлиқ барча тафсилотлар ҳақида сайтимизга интервью берди. Мазкур воқеага оид материаллар кўпала сайтларда чоп қилинди, ижтимоий тармоқлар муҳокамаларга сабаб бўлди.**

Шаҳноза Ҳасанованинг хабар беришича, бугун Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов марҳум шифокорнинг хонадонига бўлиб, уй эгаларидан кўнгил сўраган. Вазир бўлиб ўтган ишлар уларни қаттиқ таъсирлантиргани, шифокор жамоаси учун оғир жудолик эканини билдириб, ҳолат батафсил ўрганилишини шахсан ўзи назоратга олиши, боқувчисини йўқотган оилани ёлғиз ташлаб қўймасликларини айтган.

Коронавирга қалиниб, вафот этгани сабабли компенсациялар қонуний тартибда тўланиб берилишини маълум қилган.

Human.uz

**ЖССТДА КОРОНАВИРУСДАН САМАРАЛИ  
ВАКЦИНА ЯРАТИЛИШИ 31 МЛРД ДОЛЛАРДАН  
КЎПРОҚҚА БАҲОЛАНДИ**

**Бир йил давомида коронавиргадан самарали ва ҳамён-боп вакцина ишлаб чиқиш учун 31 млрд доллардан кўпроқ маблағ талаб этилади. Бу ҳақида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотидида маълум қилинди.**

“Кейинги 12 ой ичида коронавиргадан қарши самарали бўладиган дори воситаларини ишлаб чиқиш учун 31 млрд доллардан кўпроқ маблағ талаб этилади”, дейилган хабарда. ЖССТ раҳбари Тедрос Гебрейесуснинг маълум қилишича, ҳозирда дунёда коронавиргадан 200 та вакцина ишлаб чиқилмоқда ва сигналмоқда. Унинг таъкидлашича, касалликка самарали қарши курашиш учун жуда катта қўламда ва қисқа муддатларда амалий вакцина талаб этилади. ЖССТнинг бош илмий ходими Суми Сваминатаннинг таъкидлашича, самарали вакцинани ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш жараёни одатда 10 йилга яқин вақт олади. Бироқ ҳозирги шароитларда ЖССТ бунга ўртача 12 ой, энг кўпи билан эса 18 ой вақт ажратмоқда.

Манба: kun.uz



## Мулоҳаза мушоҳадага чорлайди

## Бўлажак она фарзанд кўришга тайёрми?

**Тунги соат 1.30 уй дарвозаси тақиллади, кимдир дўхтир бобо – деб бир неча бор чақирди, ёш боланинг чинқириб йиғлаши ҳам қулоққа чалинарди. Врачлик амалиётида бундай чақирувларга ҳар куни кўникиб қолган-ман. Ташқарига чиқдим, у ерда икки аёл турарди, саломлашгандан сўнг нима гапларини сўрадим, кечирасиз, кечкурун сизни безовта қилдик, шу чақалогимизни бир кўриб берсангиз, барака топинг – деб гап бошлади кекса аёл. марҳамат уйга киришлар, уларни махсус ажратилган хонага тақлиф қилдим.**

Маълум бўлдики, улар Ургут туманининг тоғли қишлоғидан экан. Чақалоқ 9 кунлик экан. Болага нима бўлганини сўрадим. Болани катта онаси сўз бошлади, - шу десангиз чақалоқ 5-6 кундан буюн тинимсиз жуда кўп йиғлайди, умуман ухламайди, айниқса бугун йиғлаганига 5 соатдан ошди, кўзини 3 кундан бери очмайди. Болани текширдим, иситмаси йўқ, нафас, юрак, буйрак тизимида ўзгаришлар аниқланмади, лекин бола тинимсиз чинқириб йиғларди, қорни таранглашиб кетган, пайпаслаганда болани йиғлаши ортар эди. Аниқланишча бола биринчи ҳомила, биринчи фарзанд, онаси соғлом, турғуқ вақтида нормал кечган, туғилганда ҳам аҳоли яхши бўлган турғуқхонадан 4-чи кун чиққандан сўнг 2 кун ўтиб бола йиғлаши охиб борган. Саволларга катта онаси жавоб берар эди. Нега онаси эмас, фақат Сиз гапирасиз, деб сўрасам, "хали онаси ёшда энди 19га кирган болага қарашни унча тўшунмайди-да" деб жавоб қайтарди келиннинг қайнонаси. Болани қорни нега бунча таранглашиб кетган, бола қандай овқатланапти? деб сўрадим. Онасини эмоди. Нега марта эмизади? Хар йиғлаганда тинимсиз эмизаяпти. Онасини ўзи нима овқатларини истеъмол қилади? новот, шакар ейди-ми? Ҳа, ҳар куни новот, мураббо ейди. Айтингчи, болани қорни таранглашиб кетганига қараганда болага яна нимадир овқат бергансизлар, тўғрисиини айтинг? Бола кўп йиғлагани учун онаси сутига тўймаган бўлса керак деб болага печенёга новот суви билан едирган эдик. Болага нима бўлган экан дўхтир, деб сўради катта аёл. Биласизми, онаси ҳар куни новот истеъмол қилгани учун она сутиди ширинлик кўпайиб кетган, бола буни ҳам қилиши қийин бўлгани учун қорни давланган, газ кўп ҳосил бўлганда ичакларда санчик пайдо бўлган ва бола кўп йиғлаши шундан, очликдан эмас. Сизлар бола йиғлашини оч қолгандан деб ўйлаб печенё билан новот бергансизлар, ҳам она сутига, ҳам печенё болага қучлик қилган, ҳам қилмаган, шунинг учун болани қорни таранглашиб кетган, аслида бола соғлом бўлган фақат овқатланиш тартиби ва мезъори бузилган, печенёга келсақ, уни 1 ёшдан сўнг тавсия этиш мумкин. Барака топинг болага укол қилиб тинчлантирсангиз, деб катта аёл болани тинчлантириш учун қандайдир бутилкага рўқчани уриб болани тинчлантиришга ҳаракат қиларди ва тинмай қаттиқ овозда ҳа, ҳа болам - дер эди. Айтингчи аллани ким айтади Сизми ёки болани онасимми? Мен алла айтаман онаси хали ёш. Алла айтолмайди. Аллани бола йиғлаганда бақириб айтасизми? Ҳа бола қанча қучли йиғласа шунча бақириб айтаманда. Онашунча бола қорнида ҳам бўлмаган овқат тўпналиб қолган, энди

вақтинчалик 4-5 соат болани эмизмасдан туриш керак, қўшимча овқат 6 ойгача мумкин эмас, онаси сутга етарли, у хали ёш, фақат аллани ўргансин, майин ва юракдан айтсин. Новот, шакар ўрнига асал, шинни, сабзавотлар, сут маҳсулотларидан қатик, творог, чакка, дон маҳсулотлари истеъмол қилсин деб, бошқа маслаҳатлар ҳам берилди. Бола шунчалик кўп йиғлардики, уни тинчлантириш учун қўлимни панжаларини ишқалаб иситдим ва болани қоринига қўйиб 20 минут маҳкам ушлаб турдим. Бола 15 минутдан кейин бироз тинчиди ва 20 минутдан кейин эса кўзини очди, онаси ҳайрон бўлиб - укол қилмаса ҳам болам тинчланди, қаранг кўзини 3 кун очмаган эди деб хурсандчилигини яширмади, раҳмат дўхтир барака топинг.

Бир томондан болага ёрдамим текканидан таскин топган бўлсамда, иккинчи томондан ўйланиб қоламан. Қачонгача ҳар куни шунча болаларни учратаман, қачон оналар болаларни тўғри тарбиялаш, овқатлантириш, чинқиришини ўрганишда, яна қачонгача соғлом болалар онасини айби билан касалланишда, касалланган бола аҳоли оғирлашиб қолганда ва ноҳус ҳодисаларга олиб келганда бунинг учун қачонгача врач жавобгар бўлади. Гап нимада? Ҳамма гап бўлажак онани фарзанд кўришга тайёр эмаслигида, ёш қизларни эрта турмушга беришда, тиббий маданиятни паслигидами? Умуман муаммо нимада эканлигини баён қилишда биз биргина мисол келтирдик холос, бундай ҳолатларни даярли ҳар куни учратамиз ва ҳар бир ҳолат учун қанчадан қанча вақт йўқотилишини, қанча текширишлар ва даволашлар ўтказилиши ўз навбатида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда илмий муаммоларни келтириб чиқармайдими? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда илмий изланишлар бир неча йиллар мобайнида бизлар томондан олиб борилмоқда.

Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг тиббий-ижтимоий аҳамияти шундаки, оналар соғлигини мустаҳкамлаш, болалар ва оналар ўлимни камайитириш, ёш авлодни соғлом тарбиялашдан иборатдир. Келгуси авлод саломатлиги кўп факторларга, аввало, бор кўп жиҳатдан тўғридан-тўғри она соғлигига, ҳамда бола тарбияси бўйича олган билимларига боғлиқ ҳолда таъминланади, шунинг учун оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ягона бир муаммо сифатида қаралади ва ечилиши мумкин. Она ва болалар саломатлиги кўрсаткичлари жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш илгор индикатори ҳисобланади. Оналик ва болалик саломатлигини муҳофаза қилишдаги давлат тизими фаолияти оилада соғлом турмуш тарзини мувофиқлаштиришга, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга, нормал ҳаёт кечириш шароитларини таъминлашга, ижтимоий-иқтисодий ва даволаш-профилактик

тик чораларни комплекс тadbик қилишга қаратилган. Она ва бола саломатлиги, жумладан микронутриент етишмовчилиги билан қурашиш тизимининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланиб, 2010 йилда "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмовчилиги профилактикаси тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши, 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун соғлом овқатланиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида" ги 102-сонли Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил «2015-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини соғлом овқатланишини таъминлаш концепцияси ва чора-тадбирларини тасдиқлаш тўғрисида» ги Қарорида микрэлементлар етишмовчилиги бўйича тadbикотлар олиб бориш», "Сабабларни ўрганишда устивор фундаментал тadbикотлар овқатланиш билан боғлиқ кенг тарқалган касалликларнинг ривожланиши, микронутриент етишмаслиги, анемия, йод етишмаслиги ва уларнинг тарқалишини ўрганиш" кўрсатиб ўтилгандир. Шундан келиб чиқиб, она ва бола организмга геоэкологик факторларнинг таъсирини ўрганиш бўйича илмий тadbикот ишларини олиб бориш ва профилактик чоралар ишлаб чиқит ўта долзарб ҳисобланади.

Оналар соғлигини ҳар томонлама баҳолаш бўйича Самарқанд вилоятида ўтказилган тadbикотлар натижаларини шунки кўрсатдики, ҳомиладорлик пайтида аёлларда камқонлик 67,9 фоиз, токсикоз - 64,2 фоиз, ҳомиладорлик давридаги хавфли ҳолатлар - 27,3 фоиз, юқори артериал қон босими - 25,5 фоиз, ялиғланиш касалликлари - 50,9 фоиз, ҳамда сурункали касалликлар - 19,4 фоиз қайд этилган, шу қаторда ҳомиладор аёллар томонидан бошқоқли ва дуккакли маҳсулотларни 61,2 фоиз, сабзавот, мева ва қўқталар - 60 фоиз, сут ва маҳсулотлари - 55,8 фоиз, гўшт ва гўшт маҳсулотлари - 60,6 фоиз, балиқ маҳсулотлари - 75,6 фоизга кам истеъмол қилишлари аниқланган. Текширувлар натижасида мунтазам равишда суный ширинликлар (новот, гранулаланган шакар) ни - 85,7 фоиз, ҳамда 91-100 фоиз чой истеъмол қилмайдиган оналарда қайд қилинган. Сўровда иштирок этган оналарнинг 44,2 фоиз оилаларнинг ижтимоий таъминоти етарли даражада эмаслигини, 52,1 фоиз соғлом ва бемор болага ғамхўрлик қилиши бўйича билим ва малакалари паст деб ҳисоблашади. Шундай қилиб, оналарнинг кўп касалликларга чалиниши уларнинг норационал овқатланиши, ҳамда соғлом ва бемор болага ғамхўрлик қилиш бўйича билим ва амалий кўникмаларининг қониқарилмаслигидадир деб ўйлайми. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда бир қатор муаммоларни тўғрироқ қилишга. Шу қаторда болаларнинг саломатлик ҳолатини комплекс баҳолаш бўйича олиб борган тadbикотларимиз шунки кўрсатдики, болаларнинг 21,8 фоиз паст овозда йиғлаш билан туғилганлар, 61,8 фоиз болалар онанинг кўрагига кечактириб берилган, 6 ойгача болаларнинг 37 фоизга қўшимча овқатлар эрта киртилган, 35,8 фоиз болалар тез-тез касалланиб туришган, 35,7 фоиз болаларда ичак функционал ўзгаришлари,

аллергик тошмалар - 25,5 фоиз, рахит белгилари - 52 фоиз, оғиз бурчакларидаги ёриқлар - 31,5%, сабабсиз йиғлаш - 32,7 фоиз, қалтираш - 34,5 фоиз, шайтонлашлар - 4,8 фоиз, камқонлик белгилари болаларнинг 13,9 фоиз да аниқланган. Озиқлантириш, парварिश қилиш ва чинқириш шартларини бузилиши болаларнинг 40-50 фоизда учраган, паст хавф гуруҳидаги болалар - 57 фоиз, ўртача хавф гуруҳини - 35 фоиз ва юқори хавф гуруҳини 8 фоиз болалар ташкил қилишган. Шундай қилиб, оналар ва уларнинг гўдаклари микронутриентлар мувозанати ривожланишининг хавфи юқори бўлган гуруҳга киритилиши, оналарнинг рационал овқатланиши, соғлом турмуш тарзи, болаларни тўғри парвариллаш ва тиббий маданият тўғрисида билимлари паслигидан далолат беради.

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш муаммоси фақат тиббий ходимларга боғлиқ бўлиб қолмасдан, ҳожимият, халқ таълими ва маориф, ижтимоий марказлар каби ташкилотларнинг иштироки билан амалга оширилиши ва яхши натижаларга эришилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу билан тиббиётга оид муаммоларни ҳал қилиш билан бир қаторда, мақсади гуруҳларда профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш орқали ижтимоий, экологик ва бошқа муаммоларни ҳам бартаф қилиш мумкин бўлади. Демак, она ва бола саломатлигини микроэментлар етишмовчилигини ҳисобга олган ҳолда муҳофаза қилишнинг тиббий-ижтимоий тизимини яратиш ва уни давлат дастурларига киритиш орқали ҳал этиш мумкин. Кўрсатилган муаммони ҳал қилишнинг аҳамияти ва долзарблиги, "Она-бола" тизимида макро ва микроэментларнинг номуносиблиги билан боғлиқ бўлган, саломатлик ҳолати бузилишининг олдини олиш, коррекциялаш ва профилактика масалаларини ечишга имкон бериши Ўзбекистон учун долзарб бўлиб, республикамизда болалар ўртасида микронутриент танқислиги билан боғлиқ долзарб муаммоларини ҳал қилишда муайян ҳисса қўшади. Юқорида қайд этилган Қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бир қатор буйруқлари ва болаларнинг соғлиги бўйича Ўзбекистон Республикасининг бошқа дастурий ҳужжатларининг бажарилишига ёрдам беради.

**Шундан келиб чиқиб, оналар ва болаларнинг саломатлик ҳолатини комплекс баҳолаш натижаларига қўра, микронутриент танқислигини ҳисобга олган ҳолда, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш бўйича биз 6 босқичдан иборат бўлган микронутриент етишмовчилигини эрта ташхислаш, коррекциялаш ва олдини олишга қаратилган тиббий ва ижтимоий ёрдам режасини ишлаб чиқдик, ҳамда амалиётга жорий қилишни режалаштирдик.**

## 1. Ҳокимликлар, халқ таъ-

Самарқанд давлат тиббиёт институти ходимлари томонидан баён қилинган ушбу лойиҳа дастури бўйича Сиз азизлардан тавсия ва тақлифлар беришларингизни сўрайди.

Сайдулло РАСУЛОВ,

Самарқанд давлат тиббиёт институти педиатрия кафедраси "Болалар гастроэнтерологари ва нутрициологари" жамоат бирлашмаси раҳбари, тиббиёт фанлари доктори. Турон ФА ҳақиқий аъзоси.

лими, соғлиқни сақлаш, туманлар ва вилоятларнинг «Оила маркази» илмий марказлари билан биргаликда ўрта таълим мактабларининг битирувчи қизлари ўртасида «булажак она» ва соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлини ва турғуқхоналарда «ёш она» мактабларини ташкил этиш, ҳамда уларни битирувчилари учун, иқтидорли иштирокчиларни маънавий ва интеллектуал қўллаб-қувватлаш мақсадида, сертифициқтар, дипломлар, фахрий ёрликлар ва бошқа соғвлар тақдим этиш.

**2. Самарқанд давлат тиббиёт институтининг педиатрия, болалар касалликлари, акушерлик ва гинекология, эндокринология, болалар касалликлари пропедевтикаси кафедралари ходимлари томонидан амалиётга жорий этиш мақсадида сўрономалар, монографиялар, қўлланмалар, рисоалар, буклетлар, тиббий варақалар, илмий-оммабоқ мақолалар шаклида давлат ва бошқа тилларда тарқатма материалларни тайёрлаш режалаштирилган бўлиб, улар ёрдамида микронутриентлар танқислиги, қизлар, ҳомиладор ва эмизikli аёлларнинг рационал овқатланиши, шунингдек болаларни рационал овқатланиш ва парварिश қилиш бўйича тиббий билимларини оширишга қаратилган.**

**3. Микронутриентлар етишмовчилигини ҳисобга олган ҳолда** Республиканинг экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларида истиқомат қилувчи кўрақ ёшдаги болалар ва уларнинг оналарида соғлиқ билан боғлиқ бўлган муаммоларини эрта аниқлаш алгоритмларини, ҳамда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган янги тиббий ва ижтимоий усулларни жорий этиш.

**4. Микроэментлар етишмовчилиги** (Д витамини, кальций, фосфор, магний, темир, рух, мис ва бошқалар) ни ҳисобга олган ҳолда эмизikli оналарга ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги технологияларини соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлинида, "Оила Маркази" ларида ва бошқа ташкилотларда, қизлар орасида ва ёш оилаларда жорий этиш.

**5. Микроэментлар етишмовчилигини ҳисобга олган ҳолда** Республиканинг экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларида коррекциялаш, нутрицион қўллаб-қувватлаш ва олдини олишнинг янги ишлаб чиқилган: узум шининси, узум гуроби, сумалак печенё, халиса каби миллий таомларни шифолигини очиб бериш, амалиётга жорий этиш ва ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш.

**6. Микроэментлар етишмовчилигини ҳисобга олган ҳолда** Республиканинг экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларида истиқомат қилувчи кўрақ ёшдаги болалар ва уларнинг оналарида соғлиқ билан боғлиқ бўлган муаммоларини эрта аниқлаш алгоритмлари, ҳамда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган ва жорий этилган янги тиббий ва ижтимоий усуллар натижаларининг мониторингини ўтказиш.



Долзарб мавзу

# ЗАҲРИ ҚОТИЛНИНГ НАВБАТДАГИ ПАРТИЯСИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

**Гиёҳвандлик инсониятни таназзул ботқоғи сари бошлайётган энг хавфли воситалардан бири ҳисобланади. Чунки энг ваҳий қотиллик ва хунрезликлар кўп ҳолларда гиёҳванд моддалар таъсирига тушиб, ўзлигини тамоман йўқотган одамлар томонидан содир этилмоқда. Кўплаб оилаларнинг пароканда, болаларнинг тирик етим бўлиши, гўдакларнинг носоглом, майиб-мажруҳ туғилиши, ота-оналарнинг фарзанддан эрта жудо бўлишига мана шу заҳри қотил сабабидир.**

Дунё бозорида тарқаладиган қора дорининг асосий қисми Афғонистонда етиштирилиб, уни ноқонуний йўл билан Марказий Осиё мамлакатлари орқали Фарба етказишга бўлган уриниш йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шунинг учун юртимизда наркотик моддаларни истеъмол қилиш, ноқонуний айланишига қарши кураш масаласига давлат ва миллатнинг эртасини ҳал этувчи омиллардан бири сифатида қаралади.

Хар йили Халқаро наркотик моддаларни суистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кўни муносабати билан нарқобизнесга қарши кураш давомида мусодара қилинган наркотик моддаларнинг наватдаги туркумини йўқ қилиш – ёқиб юбориш тadbiri ўтказилади.

Бугун ҳам шу анъана давом этди. Пойтахтимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ноқонуний муомаладан мусодара қилинган 630 килограммга яқин гиёҳвандлик воситаси ёқиб юборилди.

– Наркотик воситалар контрабандаси ва ноқонуний савдосига қарши курашиш халқаро аҳамиятга молик масала ҳисобланади, – **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори Олим Нарзуллаев.** – Мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон гиёҳванд моддалар билан боғлиқ таҳдидга қарши курашда мавжуд барча ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий имкониятлардан фойдаланилмоқда. Миллий қонунчилигимизда гиёҳвандликка оид жиноятларнинг ол-

дини олиш ва унга чек қўйиш, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлиги, гиёҳвандликка чалинган шахсларни даволаш ва бошқа муҳим масалаларнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, 2019 йилда Афғонистонда кўкнор етиштириладиган майдонлар 240 минг гектар, ишлаб чиқарилган опий миқдори 6 минг 400 тонна ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотига кўра, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 2019 йилда 5 минг 26 нарқобиноят фoш этилган. Уларнинг аксариятини наркотик моддаларни ўтказиш-сотиш ташкил қилган бўлса, қолганлари контрабанда,

да бўлган 1 тонна 200 килограмм миқдордаги наркотик моддалар мусодара қилинган.

Ўзбекистонда 2019 йилда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларни амалга оширганлиги учун ушланган шахсларнинг 108 нафарини чет эл фуқаролари ташкил этади. Уларнинг асосий қисми Афғонистон фуқароларидир.

2019 йил 27 апрель кuni Сурхондарё вилоятида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Афғонистон фуқароси 4 кило-



қилувчи идоралар билан ҳамкорликда 4 минг 611 та нарқобиноят аниқланиб, 953,3 килограммга яқин гиёҳвандлик воситаси мусодара қилинди.

Давлат бошқона қўмитаси томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ 442 та ҳолат аниқланган ва гиёҳвандлик воситалари мусодара қилинган. Судлар томонидан 3 минг 472 шахсга нисбатан наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласига оид 2 минг 754 жиноят иши кўриб чиқилган. Мамлакатимизда амал қилётган тартибга мувофиқ, судда ашёвий далил сифатида ўтган гиёҳвандлик воситалари ҳуқуқ қонуний қўчга киргач, маҳсус печларда ёқиб юборилади.

Диспансер рўйхатида турадиган гиёҳванд беморлар сони 444 тага камайиб, 5 минг 698 тани ташкил этди. Янги аниқланиб, диспансер рўйхатида олинганларнинг сони ошган. Гиёҳвандлик структурасида каннабис гуруҳидаги наркотик моддаларни истеъмол қилувчиларнинг сони 3 минг 982 тани ташкил қилди. Героин истеъмолчиларининг сони 1,8 бардара қисқарган.

да 1,9 килограмм опийни 20 минг АҚШ долларига сотмоқчи бўлган икки нафар Тожикистон фуқароси ушланди. Шу билан бирга, 1 ва 4 декабрь кунлари "Тошкент – Деҳли" авиарейсининг 4 нафар йўловчиси 4 килограммдан зиёд героин моддасини ички аъзолари орқали яшириб ўтказмоқчи бўлганда қўлга олинган.

"Қора дори – 2019" тadbiri давомида 706 ҳолатда 3 минг 226 метр квадрат майдонда таркибидан наркотик моддалар бўлган ўсимликлар экилгани аниқланди. Ички ишлар вазирлиги томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза

Наркотик моддаларга қарши курашувчи мутасадди идоралар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида Япония ҳуқуқ-тартиботи молиявий кўмаги асосида БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бошқармасининг Марказий Осиё давлатлари учун 2015-2019 йилларга мўлжалланган Минтақавий дастури доирасида Идораларо мобил гуруҳлар ташкил этиш орқали Ўзбекистонда афғон наркотикларига қарши курашиш лойиҳаси амалга оширилди. Бунга 2,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ сарфланди.

Нурилло НАСРИЕВ,  
Мухаммад АМИН олган суратлар.



гиёҳвандлик ўсимликларини етиштириш, бангхоналар ташкил этиш ва бошқа турдаги жиноятлардир. Шунингдек, ўтган йили республикада гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши-

грамм 51 грамм героин, 33,3 килограмм опий ва 5 килограммдан зиёд гашиш моддаси билан қўлга олинган. Ўтган йилнинг 25 майдан 5 июнига қадар ўтказилган тезкор тадбир натижаси-

Натижа ва таҳлил

## ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИ 2019 ЙИЛДА 1,0 МЛРД. ДОЛЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТДИ ВА ИМПОРТ УЛУШИ 79,5% ГАЧА ҚИСКАРДИ

Кейинги 5 йилда маҳаллий дори воситалари экспорти 85,0 млн долларга ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ички бозордаги улушини 70 фоизга кўтариш кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ 4554-сонли қарорининг "2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш Концепцияси" билан тасдиқланган.

Фармацевтика бозори 2019 йилда 1,0 млрд.долларни ташкил этди (109%), (2018 йилда 954,2 млн доллар) ва импорт улуши 79,5% гача қисқарди (2018 йилда-81,3%) асосан акушерлик гинекология (99%), гастроэнтерология (80%), иммунология (95%), кардиология (95%), неврология (87%), стоматология (98%), эндокрино-

логия (94%) ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги "2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5707-сонли фармони билан 2019-2021 йилларда республика ҳудудидида ишлаб чиқаришни маҳаллийлашти-

риш тавсия этилган дори воситалари гуруҳлари рўйхати (эндокрин, онкология, юрак-қон томир, вирусларга қарши, иммунобиологик касалликларини даволаш дори воситалари, антибиотиклар, болаларда сил билан инфекциялашни эрта аниқлаш учун диаскин тестлари ва бошқалар) тасдиқланган.

2020 йил январь-май ойида маҳаллий ишлаб чиқарилган дори воситалари 179,4 млн. қадокни ташкил этиб, умумий қиймати 825,9 млрд. сўмини ташкил этган бўлиб, 2019 йил январь-май ойига нисбатан 102 фоизга (қиймати) ва 105 фоизга (миқдори) ўсган (2019 йил январь-май ойларида – 812,7 млрд. сўмини 171,2 млн. қадок дори воситалари ишлаб чиқарилган).

Жорий йил январь-май ойида маҳаллий ишлаб чиқариш прогнозга нисбатан 101 фоизга (қиймати) ва 103 фоизга (миқдори) бажарилган.

2020 йилда экспорт прогнози 35,2 млн. доллар белгиланган бўлиб, 2019 йилга нисбатан 24,5 фоизга ўсиш суръати билан белгиланди. Бугунги кунда маҳаллий

ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 25 та фармацевтика препарат гуруҳига мансуб 237 та дори воситалари ва 9 номдаги тиббий буюмлар 15 та чет эл мамлакатларида кайд этилди ва экспорт қилинмоқда, 2020 йил январь-май ойларида 15,1 млн. долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилди.

2019 йил январь-май ойида республикага импорт қилинган фармацевтика маҳсулотлари ҳажми 325 млн. долларни ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг шу даврида 343 млн. долларни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 15,0 млн. долларга ёки 5,5 фоизга ошди. 12 фармацевтика корхоналари томонидан 14 та хориз мамлакатларига 61 номдаги дори воситалар ва тиббий буюмлар экспорти амалга оширилди.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Матбуот хизмати.



## Саломатлигингиз ўз қўлингизда

## КОНДИЦИОНЕРЛАР КОРОНАВИРУС ТАРҚАТИШИ РОСТМИ?

Бир қатор давлатларда карантин юмшатила бошланди, жамоат транспорти, офислар, кафе, дўкон ва спорт-залларда яна одамлар гавжумлашмоқда.

Кун исби бориши билан савол туғилади: атрофда корона-вирус пандемияси мавжуд бўлган ёз жазирасида кондиционердан фойдаланиш мумкинми?

## Улар юктириб олиш хавфини орттирмайдими?

Киска қилиб айтганда, ҳа – кондиционерлар, олимлар фикрича, коронавируси тарқатиш хусусиятига эга. Аммо вируснинг манбайи бўлолмайди. Шунинг учун улардан қарерда ва қандай фойдаланишни ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

## Илм-фан нима фикрда?

Бу мавзудаги илмий ишлар, аниқланишича, хозирча жуда кам ва уларнинг натижаларини мутлақ репрезентатив деб ҳисоблаб бўлмайди.

Коронавирус тарқалишида кондиционерларнинг роли ҳақида биринчи марта Уҳандаги ресторанда инфекцияланиш схемасини ўрганган хитойлик мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотдан кенг гапирилган. Олимлар кондиционер яқинидаги столда ўтирган 9 киши коронавирусига чалинганини аниқлашган.

Олимларнинг фикрига кўра, вирусни ўзида Covid-19 аломатлари бўлмаган хўрандалардан бири тарқатган. У кондиционер қаршида ўтирган. Кейинчалик, қўшни столларда ўтирган ва аёл билан тўғридан тўғри алоқа қилмаган 9 нафар меҳмонда ҳам тест мусбат натижа берди.

Аммо унутмаслик керакки, ушбу тадқиқотда танлов жуда

кам эди ва шароит лаборатория-ниқидан фарқ қилади. Шунинг учун илмий дунёда кўпчилик унинг репрезентативлиги ва асослигига шубҳа билан қарашади. Бу вақтда Хитой тадқиқоти мавзусини украиналик машҳур шифокор Комаровский қўллаб-қувватлади. У ўз видеооблигида натижаларни келтирди ва ноҳусулоса чиқарди: "Агар бемор нафас билан чиқарган вирус сунъий иқлим назорати томонидан яратилган ҳаво оқимида қўшилиб қатланган бўлса, ҳамма нарса аллақачон жиддийлашади".

Бундан ташқари, "Diamond Princess" круиз кемаси билан бўлган воқеа кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Унинг бортидаги уч минг кишидан 700 нафари касалликка чалинган ва уларнинг катта қисми кема карантинга олингандан кейин вирусни юктирган. Шифокорлар бунда лайнернинг кондиционер тизими муҳим рол ўйнаган деб ҳисоблашади.

## Зарарланиш қандай рўй беради?

Бу мавзуда мулоҳаза билдирган барча мутахассисларнинг таъкидлашича: кондиционер ўз-ўзида коронавируси ўчоғи бўла олмайди, чунки вирус фақат одамдан одамга юқади. Бироқ, агар хонада бемор бўлса, кондиционер тизимлари инфекция тарқалишини ошириши мумкин. Бу ақсарият кондиционерларнинг ишлаш усули билан боғлиқ. Иссиқ кунда хонани салқинлатса ҳам, у бир ҳавони айлантиради. "Шундай, амалиёт мавжуд: агар кондиционер ёқилса, дера-

залар буткул ёпилади. Кондиционер шундай ишлайди: ҳаво олади, уни совитади ва яна қайтаради. Бу айланма ҳаракатни келтириб чиқаради", – деб тушунилади Украина Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги соғлиқни сақлаш маркази шифокор-гигиенисти Данила Бриндак. Шунинг учун, вирус билан касалланган одам аксирса ёки йўталса, кондиционердан чиқувчи ҳаво оқими бу томчиларни тарқата олади, лекин унчалик узоққа эмас. Шунингдек, ҳаво оқимининг йўналиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

## Кондиционерлардан воз кечиш вақти келдими?

Бу кондиционердан бутунлай воз кечиш кераклигини аниқладими? Бир сўз билан айтганда, йўқ.

Биринчидан, шахсий хонадон ёки уйдаги кондиционерлар жамоат жойларидаги қараганда анча хавфсиздир – агар сиз ва сизнинг ёнингизда яшовчилар соғлом бўлса. Шунингдек, уйингизга кўп меҳмон келмаслиги ҳам муҳим, чунки улар орасида ташқи аломатларсиз вирус ташувчиси ҳам бўлиши мумкин. Офис ва рестороанларга келсак, хаф, албатта, катта. Аммо мутахассислар иқлим назоратидан бутунлай воз кечишни тавсия этишмайди, чунки дим хонада бўлиш айнакка қариялар учун янада хавфлидир. Мутахассисларнинг бош маслаҳати – хонани мунтазам равишда шамоллатиш керак.

"Одамларга кондиционердан фойдаланишни таъқиқлашдан маъно йўқ, чунки улар қўлайлик учун керак. Аммо яхши шамоллатиш зарурат бўлиб қолади", – дейди Данила Бриндак.

Бундан ташқари, одатда ко-

ронавирус юқумлилиги ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан пасаяди, шунинг учун кондиционер ҳароратини бошқариш имкони бўлса, уни аввалгидек ёзда одатланганингиздан бироз юқорироқ тутинг.

Охир-оқибат, аллақачон ёд бўлишга улгурган уйда қолиш қодаларига амал қилиш керак: ижтимоий масофани сақланг, кўлларингизни дезинфекция

вируслар репродукцияси бўлими бошлиғи Светлана Загородня.

Агар бирор кимнинг гулчанларга аллергияси туфайли деразани очишнинг иложи бўлмаса, кондиционерни ёқинг, лекин хона ҳаддан ташқари совиб кетишига йўл қўйманг, чунки совуқда коронавирус ўзини яхши ҳис қилади.

Ва иложи бўлса, конди-



қилинг ва юзингизга тегманг.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, сирт орқали ва тўғридан тўғри алоқа пайтида инфекция юқиши хавфи кондиционерга қараганда анча юқори.

## Уйда бемор бўлса, нима қилиш керак?

Агар уйда коронавирус билан касалланган одам бўлса, кондиционерни ўчириш ва шамоллатиш учун деразаларни очиб энг яхши усул ҳисобланади.

"Ойнани очиб орқали кўпроқ тоза ҳавога эга бўласиз ва бу хонада коронавирусининг эҳтимолий концентрациясини камайтиради", – дейди Заболотний номидаги микробиология ва вирусология институтининг

онердан чиқувчи ҳаво оқими уй бўйлаб тарқалмаслиги учун бемор жойлашган хона эшигини ёпинг. "Бу ҳолда, энг муҳими, беморларни шамоллатиш тизимларидан узоқроқ тутишдир", – деб маслаҳат беради Светлана Загородня.

Шунингдек, у кондиционердан фойдаланиш қодалари борлигини эслати: "Уларни вақтида тозалаш, совуқ ҳаво оқимини тўғри йўналтириш, ҳароратни кўчадаги нисбатан 6-10 даража фарқи ушлаш ва хонани ҳар кун шамоллатиш зарур".

Манба: kun.uz

## Шифобахш табиат

## ОҚ ҚАРРАК ДОРИВОР ЎСИМЛИГИ

Оқ қаррак (оддий ола ўт, оқ тикан, *Silybum marianum Gaertn*) – бир йиллик, ёввойи ҳолда ўсадиган астрадошлар (*Asteraceae*) оиласига мансуб доривор ўсимлик бўлиб, республикамизнинг барча ҳудудларида ўсади.

Ўсимликнинг кимёвий таркиби 200 дан ортиқ фойдали компонентлардан иборат. Хусусан, ўсимликни ўрганган олимлар унинг илдизи, барги, уруғи таркибиде турли микро ва макроэлементлар, шунингдек, калий, мағний, кальций, темир, цинк, мис, селен, бор, марганец, йод, хром ҳамда бошқа моддалар мавжудлигини аниқлашган. Бундан ташқари, ундаги А, D, E, K ва В гуруҳи витаминлари, каротиноид, алкалоид, флавоноид, флавонолигнанлар, шу билан бирга, оксил, смола, тирамин, гистамин, тўйинмаган ёғ кислоталарини ўрганиб, таркибидан флавоноидлар йингидисидан ташкил топган салимарин моддасини ажратиб олган. Оқ қаррак уруғида 32 фойизга ўсимлик мойи сақланиб қолиши билан бошқа ўсимлик мойларидан ажралиб туради. Боиси, унинг таркибиде кучли антиоксидант таъсирга эга бўлган флавоноидлар мавжуд. Жигар хужайраларини химояловчи, тозаловчи, мустаҳкамловчи ва тикловчи биологик фаол гепатопротекторли хусусиятли силимарин (силибинин, изосилибинин, силидианин ва силикрестин изомерлари жамламаси) моддаси ўсимликнинг дориворлик хусусиятини оширади.

Ўз даврининг истеъдодли тиб олими Абу Али Ҳусайн ибн Сино жигар касалликларини ўрганиш ва даволашда оқ қаррақнинг танаси, барги, гули, уруғи ва илдизини дори сифатида қўллаган. Жўмладан, илдизидан қайнатма тайёрлаб қўл-оёқ, бел оғриқларини тўхтатишда фойдаланган.

Шунингдек, ўсимликнинг ер устки қисмидан дамлама тайёрлаб, буйрак-сийдик йўллари касалликларини даволашда кенг қўллаган. Олим ўзининг "Тиб қонунлари" асариде ушбу ўсимликни "оқ тикан" номи билан атаган (форсчада – "шаука байда", арабчада – "шавкат албайда" ва русчада "расторопша пятнистая", лотинчада – "silybum marianum Gaertn"). Шу билан бирга, табобатда оқ тиканнинг ер устки қисмидан таёрланган дамламаси кончи тозаловчи, канд микдорини пасайтирувчи ва жигар фаолиятини яхшилашда ҳам ишлатилган. Бугунги кунда унинг мойи кўп давлатлар тиббиётида қўлланилмоқда ва ундан тайёрланган дори воситалари ўд-тош, холецистит, сийдик чиқариш аъзолари, қандли диабет, қалқонсимон без, ошқозон-ичак тизими, талоқ, юрак кон-томтири тизими касалликларида, радикулитларда, бўғинлардаги оғриқда, гемороид, псориаз, соч тўқилишида, оғиз бўшлиғи ва нафас йўллари касалликларида қўлланилмоқда. Унинг иммунитет-тимуловчи, бактерицид яллиғлишига қарши, оғриқсизлантирувчи, спазмолитик, ўт ҳайдовчи, яралар битишини тезлаштирувчи, аллергияга қарши, радиопротектор таъсирлари ҳақида манбаларда кўп қўллаб маълумотлар келтирилган. Шу боис, шифобахш оқ қаррак – замонавий тиббиётда ҳам жигарнинг ўткир ва сурункали касалликларини (ўткир ва сурункали гепатитлар, жигар токсик шикастланиши, цирроз ва гепатозда, ёғ алмашинуви бузилишида) даволашда фойдали дори воситаси сифатида химиятерапия ва нуртерапия олаётган бе-

морларга тавсия қилинади. Ўсимлик уруғидан олинадиган силимарин – жигар хужайраларини химояловчи, тозаловчи, мустаҳкамловчи, қолаверса, тикловчи биологик фаол шифобахш доривор модда ҳисобланади. У жигар тўқималарини қайтадан тиклабгина қолмай, янги тўқималар пайдо қилиб жигар фаолиятини яхшилайдди. Бироқ, қон босими юқори бўлган беморларга тавсия қилинмайди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги замонавий тиббиётда мазкур ўсимликдан тайёрланган ва таркиби флаволигнанлардан иборат Канвит (*Silybum marianum*), Милк тистле, Биосилимарин, Остропрост пламисти, Силимар, Силибор, Силарсил ва Силимарин таблеткалари, Милк тистле экстракти капсуласи, Ливерин, Легалон ва Карсил – драже, капсула, сироп шаклида, Силегон дражеси, Холелитин 1, Оқ қаррак уруғи 100 гр., "Органик" номли – уруғдан олинган ёғ ва бошқа дорилар кенг ишлатилмоқда. "Гепабене", "Гепатофальк планта", "Холафлукс" дори комплекслари ҳам шулар жумласидандир. Юқорида келтирилган дори воситаларининг қабул қилиш тартиби амалиётга жорий қилинган. Халқ тиббиётида оқ қаррак ўсимлигининг майдаланган уруғидан кунга 4-5 марта бир чой қошиқдан, овқатланишдан 20-30 дақиқа



олдин сув билан қабул қилиш тавсия этилади.

## Куйида эса оқ қаррак дамламалари тайёрланишдан мисоллар келтирамиз:

– 4 ош қошиқ оқ қаррак гуллари бир литр қайнаган сувда дамланади ва паст оловда 6 дақиқа қайнатиб, тиндирилади, сўнг 2-3 қаватли доқадан ўтказиб филтрланади ва кунга 3-4 маҳал овқатланишдан олдин 100 мл. миқдорда истеъмо қилиш мумкин;

– 30 гр. майдаланган уруғи ярим литр сувда, паст оловда суюқликнинг ярми буғлини кетгунча қайнатилади, 10-15 минут тиндирилгач, 2-3 қаватли доқадан ўтказиб филтрланади. 1 ош қошиқдан 3-4 марта овқатланишдан олдин ичилади. Даволаниш давомийлиги 1 ой.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу истиқболли доривор ўсимлигини маданийлаштириш ва плантация шароитида кўпайтириш жуда ҳам осон. Шундай экан, уни туманлар ҳудудида мослаштириб экиш, ундан тиббиёт амалиёти учун янги доривор ўсимлик хом ашёсини тайёрлаш мақсадида фармацевтика корхоналарига етказиб бериш тадбиркорларнинг асосий вазифаларидан бирига айланиши мақсадга мувофиқдир. Натижада, туманлар флорасини яна битта қимматбаҳо доривор маҳсулот берувчи, ноёб ўсимлик тури билан бойитишга муносиб ҳисса қўшган бўлар эдик.

И. ИСМОИЛОВ,

Шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси шифокори.



## Муносабат

## ИНСОНПАРВАРЛИК ВА САХОВАТ КОРОНАВИРУСНИ ЕНГАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев куни кеча бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида қуйидаги фикрларни билдириб ўтди: «Эл-юртимиз “Уйда қолинг” деган даъватга амал қилиб, юксак жасорат кўрсатиб, ялпи карантин шароитида яшамоқда. Оилам, бола-чақам, деб тиниб-тинчимайдиган, эртаю кеч гайрат билан меҳнат қиладиган халқимиз учун бундай мажбурий ҳолат, албатта, осон кечаятган йўқ. Юртдошларимиз огир синовли кунларида чинакам сабр-тоқат ва масъулият, меҳр-оқибат фазилатларини намоён этипти. Буни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олиб, ҳар томонлама эътироф этмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, пандемияга қарши курашнинг олдинги сафларида чинакам қахрамонлик кўрсатаётган барча шифокорларимизга, шу жумладан, тез ёрдам хизмати ходимлари ва ҳайдовчиларига алоҳида миннатдорчилик билдираман».

Дарҳақиқат, Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фикрларидан келиб чиқадиган бўлсак, бугун халқимиз бир жону бир тан бўлиб, кўзган кўринмас вирусга қарши курашиш давом эттириб келмоқда. Мен ушбу тождор вирусни олдини олишга бағишлаб, ўзимнинг қўйидаги шеърим мисраларимни битдим.



## «ТОЖДОР» ВИРУС САБОҚЛАРИ

Тождор вирус – номи “улуг” офатнинг бири,  
Жуда хавфли, майда зарра, кўп махфий сири,  
Қуши йўли: оғиз-бурун, юз, кўз, кўл кири.  
Ёдда сакла! Ҳар лаҳзада огоҳ, хушёр бўл!

У хуш кўрар бозорлару, тор, зич жойларни,  
Чумолидай одам гавжум гиж-биж жойларни,  
Пашша, чивин уя қурган гич-бич жойларни!  
Ўта айёр! Ҳар лаҳзада огоҳ, хушёр бўл!

Вирус юкса, йўкотади бемор ҳаловат,  
Боши оғриб, кўнгли айниб ошар ҳарорат,  
Нафас йўли қичиб, йўтал қилар бетоқат,  
Хушдан кетар, яқинлашар ўлим бешафқат!

Лек кўпчилик чап беради бу дард, азобга,  
Кўл узатар муҳофаза учун никобга,  
Шифокорлар, халоскорлар – меҳри офтобга!  
Сўнг қайтади ўз уйига, тўлиб шитобга!

Қараб турсак, бу фалокат кезар жаҳонни,  
Тез тортмоқда ўз домига минг-минг инсонни,  
Ўйлатмоқда ақли расо тирик тан-жонни!  
Пандемия! Фанимат бил ҳар дам, ҳар онни!

Бу босқинчи йўлин тўсар фақат карантин!  
Жондан ўзга барча нарса олар тин!  
Кўча-қўйда юриш-туриш тўхтар куну тун!  
Қоида шу! Ҳар лаҳзада огоҳ, хушёр бўл!

Бу чекловнинг қонунию шарти биттадир:  
Унга сўзсиз амал қилган албат ютадир!  
Буни эл-юрт, жаҳон аҳли зор-зор кутадир!  
Бошқа гап йўқ! Ҳар лаҳзада огоҳ, хушёр бўл!

Карантиннинг бир талаби бордир, шохона,  
У танламас одам шохми, ёки оддий!  
Тарқоқликдан изламайди сира баҳона!  
Шуни эсла! Ҳар лаҳзада огоҳ, хушёр бўл!

Шундай экан, меъёрида уйда бўлмоқ шарт!  
Бола-чақа бағрида тинч, ором олмоқ шарт!  
Онлайнда, масофадан бир иш қилмоқ шарт!  
Бу мажбурий! Ҳар лаҳзада огоҳ, хушёр бўл!

Уйда бўлиш – мукофотдир оилаларга,  
Аллоҳ берган иноятдир оилаларга,  
Ота-она, элу юртга, маҳаллаларга!  
Улкан бахт бу! Ҳар лаҳзада огоҳ, хушёр бўл!

Минг шукрки, Аллоҳ бизни қўриб турибди,  
Ҳар нарсани ўзи айтиб, сўраб турибди,  
Торозунинг шайинига қараб турибди!  
Бу мўъжиза! Ҳар лаҳзада огоҳ, хушёр бўл!

Парвардигор бизни кун-тун авайлаб бедор,  
Амри билан ўз вақтида келди гулбахор,  
Елар эсиб, ёғди ёмғир, оппоқ дурдай қор,  
Бу бежизмас! Ҳар лаҳзада огоҳ, хушёр бўл!

Ер силкинди! Ўтдик яна битта синовдан,  
Ўтаганимиз сабр ила мана чекловдан,  
Бамисоли сакраб-сакраб ўтдан-оловдан!  
Бу ҳам камми? Ҳар лаҳзада огоҳ, хушёр бўл!

Яхши ҳамки, бошимизда доно Сарбон бор,  
Кеча-кундуз ҳар соҳага берар эйтибор,  
Эл-юрт яшар осуда, тинч, аҳил, бахтиёр!  
Бунақа бахт, Ўзбекистон, яна қайда бор!

Сарбон билар вазиятни беш бармоқ мисол,  
Халқ ичиди эмин-эркин юрар бемалол,  
Ишларидан мамнун бўлиб, ёшу қари қолар лол!  
Бундай ишонч, иззат-ҳурмат фақат бизда бор!

Сарбон дейди: Бирлашган халқ ўзади фақат,  
Бирлашмас, ҳар томонга тўзади фақат!  
Аҳил бўлса, кўни-қўшни, давлат, эл, миллат,  
Ҳамма ютар, чекинади фалокат, иллат!

Кўз тегмасин Юртбошимиз, сарбонимизга,  
Гуруримиз, суруримиз, карвонимизга!  
Биз қанотимиз, биз нахотимиз давронимизга,  
Биз қалқонимиз иймонимиз, виждонимизга!  
Искандар РАҲМОН,  
Қуролли Қучлар фахрийси,  
Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар  
ижодий уюшмалари аъзоси.

## Актуальная тема

## УЧЕНЫЕ ОБНАРУЖИЛИ НОВУЮ ОПАСНОСТЬ КУРЕНИЯ

Табачная химия вредит всем органам без исключения. По данным Всемирной организации здравоохранения потребление табака связано с возникновением не менее чем 25 заболеваний. Потребление табака считается наивысшей причиной смертности в мире.

Израильские исследователи выяснили, что любители сигарет в три раза чаще страдают от депрессии, чем те, кто не курит. Ранее к похожему выводу приходили еще несколько научных команд из разных стран. Кроме депрессии, у курильщиков выше риск развития шизофрении и тревожности. Содержащийся в табаке никотин способствует развитию психических заболеваний, полагают ученые.

## Опасная привычка

Согласно данным британских специалистов, до четверти взрослых в той или иной мере страдают душевными расстройствами. При этом большинство психически нестабильных людей – как правило, заядлые курильщики. Ученые Королевского колледжа Лондона, проанализировав информацию о 15 тысячах любителей сигарет и 273 тысячах некурящих, подсчитали: 57 процентов участников исследования с психозами уже курили, когда с ними случился первый приступ. Причем у людей, употребляющих табак, болезнь, как правило, давала о себе знать на год раньше.

Вместе с тем опрос шести с половиной тысяч человек стар-

ше 40 лет, проведенный в 2015 году, показал: почти 20 процентов курильщиков часто впадают в депрессию и испытывают повышенную тревожность.


Израильские ученые это подтвердили. Две тысячи студентов университетов Белграда и Приштины по их просьбе заполнили анкеты, оценивающие физическое и психическое здоровье. Выяснилось, что у курильщиков признаки клинической депрессии встречаются в двести раз чаще. Так, подобные состояния фиксировались у 19 процентов молодых белградцев, употребляющих табак, против 11 процентов их некурящих ровесников. В Приштине эти показатели были 14 и четыре процента соответственно.

Кроме того, любители сигарет чаще жаловались на упадок сил и испытывали проблемы в общении с окружающими. Как отмечают авторы работы, их результаты доказывают, что курение вредит не только физическому, но и психическому здоровью. Однако какие именно физиологические механизмы в этом задействованы, пока не ясно.

В конце прошлого года британские генетики попытались объяснить причинно-следственную связь между курением и психическими расстройствами – в

частности, шизофренией и депрессией. Проанализировали геномы полумиллиона человек, собрали данные об их здоровье и образе жизни. Затем выделили варианты генов, которые могут отвечать за развитие депрессии и шизофрении, и участки ДНК, связанные с длительностью курения и попытками избавиться от дурной привычки.

Оказалось, что у любителей табака риск заболеть шизофренией в 2,27 раза выше. Также курильщики в два раза чаще страдают хронической депрессией. Что касается пациентов, уже имеющих психиатрический диаг-



ноз, то они намного чаще здоровых становятся заядлыми курильщиками и уже не могут отказаться от сигарет.

Авторы исследования предполагают, что никотин стимулирует высвобождение в мозге нейромедиаторов серотонина и дофамина, а нарушение их синтеза в организме может быть связано с шизофренией и депрессией.

Эту гипотезу подтверждают ученые Университетского кол-



леджа Лондона. Они выяснили, что даже у некурящих с высоким уровнем никотина в крови (так называемые пассивные курильщики) риск психических расстройств на 50 процентов выше.

## Страдают все

Согласно работе корейских исследователей, сигареты не только влияют на психическое здоровье, но и способны в будущем спровоцировать психическое расстройство у детей курильщика. Речь идет о СДВГ – синдроме дефицита внимания и гиперактивности, которым страдают от трех процентов человечества.

Считается, что это заболевание возникает из-за нарушений в синтезе серотонина и дофамина. А вот почему так происходит, до конца не ясно. Вариантов много – от стресса матери во время беременности до интернет-зависи-

мости самого ребенка.

Ученые Кенбукского национального университета изучили данные о 23,5 тысячи детей и подростков в возрасте до 18 лет, страдающих СДВГ. Кроме собственно медицинской информации, исследователи получили доступ к сведениям о здоровье и образе жизни родителей и их социально-экономическому статусу.

Установлено, что риск развития синдрома дефицита внимания почти на 60 процентов выше у тех детей, чьи родители выкуривают больше 15 сигарет в день. Причем это не зависит от того, курят ли в семье дома. Кроме того, в группе риска – подростки, чьи отец или мать страдали депрессией.

По материалам  
интернета.



## Соғлом турмуш тарзи

## СЎХДА 111 ЁШЛИ МОМО ЯШАЙДИ

Асрлар тарихини мунис кучоғида асраб-авайлаб келаётган пурвиқор тоғлар, дала даштлар, мевазор боғлар, зилло чашмалар, инсон руҳиятига ором берувчи дилбар табиат – Сўхнинг ташриф қоғозидир.

Сўхликларнинг кенг феъл-лиги, меҳмондўстлиги, самимийлигига қойил қоласан киши. Маҳмуд Ғазнавийларнинг муборак изи, Мирзо Бобурлардан қолган хотиралар, умуман аждодлар ёди билан боғлиқ мозийдан садо берувчи қадрдон туйгуларни теран ҳис этасиз Сўхда.

Яна бир эътиборли жиҳати, бу ерда ёши улғу отахон ва онахонлар кўп. Ана шу-

лардан бири Пидиргон қишлоғида истиқомат қилиб келаётган 111 ёшли Муҳаррамхон момо Қосимовадир.

Момо 1909 йилда туғилган. 7 нафар фарзанднинг азиз онажони, 51 нафар невава ва 260 нафардан ортиқ эвара ва чевараларнинг суюкли бувижониси.

У киши бошидан кўп оғир кунларни ўтказди. Барчасини сабр ва меҳнат билан енгди.

Ғарчанд 111 ёшни қаршилаган бўлсада, момо ҳали тетик.

Маҳалладошлар билан бир ерда жам бўлса, фаровон кунларнинг шукронасидан, тинч кунларнинг қадридан сўзлайди. У кишини дуосини олиш мақсадида хонадонига ташриф буюрувчилар ҳам кўп.

– Илоҳим осмонимиз муссаффо, заминимиз тинч ва осуда бўлсин – дея дуога қўл очади момо. – Болаларимиз бахтига дунёда тинчлик ҳукмрон бўлсин, Ортбошимизнинг умрлари зиёда бўлсин, гўзал Сўхимиз янада гуллаб-яшнайверсин. Барчаларингни умрларинг узок, ризқларинг улуг бўлсин.

М. СУЛАЙМОНОВ.



## Фойдали маслаҳат

100 ЙИЛДАН ОРТИҚ  
УМР КЎРИШ УЧУН...

1. Узоқ яшаш учун, биринчи навбатда, соғлом, тартибли ҳаёт кечириш;
2. Кам ейиш, меъёрида ухлаш, кам гапириш;
3. Туз, шакар, ҳайвон ёғини кам истеъмол қилиш;
4. Биринчи навбатда, кўпроқ мева-сабзавот истеъмол қилиш;
5. Спиртли ичимликлар, наркотик моддалар, сигарет, нос-войдан узоқ бўлиш;
6. Кўпроқ зайтун ёғи, парранда, балиқ гўшти истеъмол қилиш;
7. Ҳар кунни жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш. Кунига камидан 1 соат яёв юриш;
8. Бахтли оила соҳиби бўлиш;
9. Асабубзарликдан, ҳаяжонлишидан сақланиш;
10. Иш фаолияти инсонни толиқтириб қўймаслигига ҳаракат қилиш;
11. Аллоҳга астойдил ишониш, хотиржам, яхши кайфиятда бўлиш;
12. Ҳар доим миждоз мўтадиллигини сақлаш, танани чиқиндилардан тозалаш;
13. Қад-қоматни тўғри сақлаш;
14. Жисмоний, руҳий ҳаракатларни, уйку билан уйғоқликни мўтадиллаштириш;
15. Тана вазнини бир меъёрда, бўйнинг узунлигига мос ҳолда ушлаб туриш;
16. Кундалик овқатлар таркибидаги ҳайвон ёғи миқдорини камайтириш;
17. Иккита ранги оқ – шакар билан тузни иложи борича кам тановул қилиш (шакар ўрнига тоза асални хоҳлаганингизча еяверинг);
18. Таркибида сода бор озукларни тановул қилманг. Чунки сода қон таначалари парчаланшига, қон босими ортишига сабаб бўлади;
19. Бадани меъёрида қуёшда чинқитириш, сувда чўмилиш, очиқ ҳавода нафас олиш;
20. Йилида икки марта шифокор кўригидан ўтиш;
21. Ҳар хил дориларни иложи борича истеъмол қилмаслик. Чунки одам танаси дориларга ўрганиб қолиши мумкин. Ҳар қандай дорининг асорати қолади;
22. Очиқ ҳавода сайр қилиш, ижобий фикр, тана эгилувчанлигини сақловчи машқлар бажариш, тартиб билан овқатланиш керак.

“Бахтли ҳаёт сари” китобидан.

## Эълон

2018 йил 12 май ойида вафот этган **ZAKIROV MUNID AXMEDOVICH** (ЗАКИРОВ МУНИД АХМЕДОВИЧ)нинг ўлимидан кейин мерос иши очилиши сабабли, барча меросхўрларни Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани 4-сонли Давлат нотариал идорасига мурожаат қилишларини сўраймиз (телефон: 998-71-233-23-64).

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқиди. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

## 101 хизмати хабар қилади

ҚУРИЛИШДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ  
ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ!

Ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб тарқалган “COVID-2019” эпидемияси касаллиги тарқалиши муносабати билан карантин қоидаларига риоя этган ҳолда Юнусобод тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томондан, туман ҳудудида янги қурилаётган кўп қаватли аҳоли турар жойлари ва маъмурий биноларда фавқулодда ҳолатларни ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча ишчи ходимлар билан йўриқнома ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Биноларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш дастлаб уларни лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларидан бошланди. Бино ва иншоотларда ёнгин хавфсизлиги талабларининг тўла бажарилиши кейинчалик уларда ёнгин содир бўлмаслигининг кафолати ҳисобланади.

Қурилиш кетаётган бино ва иншоотларни қурилиш майдонларида, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларида ёнгин хавфсизлигининг тегишли қоидаларга амал қилиш орқали таъминланади. Масалан: Биринчи навбатда барча ишчи ходимлар техника қоидаларига риоя қилган ҳолда махсус кийим бошлар билан таъ-

минланиши, қурилиш майдонларида пайвандлаш ишларини махсус гувоҳномага эга бўлган ишчилар пайвандлаш ишларини олиб бориш, қурилиш майдонларида ёнгинга қарши қалқон ҳамда бирламчи ёнгин ўчириш воситалари билан таъминлаш, носоз ҳолдаги электр тармоқларидан, ишчилар хонасида ностандарт электр иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик, газ солинган баллонлар сони 50 дан ортиқ бўлмаган ҳолда махсус омборхонада ёки қуёш нури тик тўшмайдиган бостирма остида сақланиши керак. Тўлдирилган баллонлар тик ҳолда сақланиши лозим. Улар махсус катаклар ёки уяларга ўрнатилади ва камар, занжир ёки қисқичлар билан

маҳкамланади, кислород баллонларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва кўчиришда баллон ҳамда шланглар мой ва мойли материалларга тегиб кетмаслиги чоралари кўрилиши ва шу каби бир қатор хавфсизлик чораларига риоя қилиниши керак.

“Меҳнат қилиб боғ яратган уни асрай билиши ҳам керак” деганларидай, бино ва иншоотлар бунёд этувчи ҳар бир бинокор-қурувчи, муҳандис мутахассис тегишли талабларни пухта ўзлаштириб олиши, қурилиш жараёнида ёнгинларга олиб келувчи ҳар қандай салбий ҳолатни олдини олиш юзасидан тегишлича йўриқнома билан таъминланиши лозим. Бошқача айтганимизда, қурилишда амалдаги қоида талабларига қатъий риоя этишга ҳар бир киши масъул ва мажбур эканлигини унутмаслиги керак.

Баҳромхўжа АБДУЛЛАЕВ,  
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ФВБ П ва НБ инспектори сержант.

## БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Иссиқ ёз кириб келиши билан қуруқ ўт деб номланувчи ёнгинлар сони кўпайиб бораётганлиги сабабли нохуш ҳолатлар юзага келмоқда.

Айниқса, ўт ўланларнинг ёниши ёқимсиз хид тарқалишига, тутун эса аллергик хасталикларни кўзгашига, шунингдек, ёнгин чикиш хавфини оширмоқда. Шунинг учун ҳам қуриган ўтларни йиғиштириб олиш, махсус воситалар ёрдамида чиқиндиҳоналарга жўнатиш ёки чуқурликка кўмиш мақсадга мувофиқдир.

Миробод тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими сизлардан қуйидаги ёнгинга қарши чора тадбирлар-

га риоя қилишингизни сўрайди:

- ўз яшаш бинолари ва иш жой бинолари ҳудудини доимий равишда қуриган ўтлар ва шох-шаббалардан тоза ҳолда сақлаш ажратилмаган жойларда ва ётоқ жойларида тамаки чекманг;
- ёш болаларга газ ва электр мосламаларидан фойдаланиши ишониб қўйманг;
- ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирманг;
- болаларни гугурт ўйнашига

ҳамда пиротехника воситаларидан фойдаланишига, шох-шабаларни ёқишга йўл қўйманг;

- турар жой бинолари ертўлаларида портловчи газ балаонлар, енгил алангаланувчан суюқликлар, ёнувчан маҳсулотлар сақламанг;

Хулоса шуки, ёнгинга қарши курашиш барчамизнинг олдимизда турган катта масъулиятдир. Шундай экан, ушбу кўнгилсиз ҳолатларни олдини олиш ўзимизга боғлиқ эканлигини унутмайлик!

Ҳасан СОБИРОВ,  
Миробод тумани ФВБ инспектори катта сержант.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 1134 нусха.  
Буюртма Г-750.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табок. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚўШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.